

Мактаблар билан ҳамкорлик

2021 йил 27 январь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 12-ўрта таълим мактабида “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультети декани Р. Хакимов бошчилигига “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Б. Султонов, “Менежмент” кафедраси доценти Б. Шафкаров, “Ёшлар билан ишлаш бўйича” декан ўринбосари Ж. Турдиев ҳамда “Иқтисодиёт” кафедраси асистенти Қ. Носуруллаевлар ҳамроҳлигига юқори синф ўқувчилари билан учрашув ўтказилди. Учрашувда факультет декани Р. Хакимов ўқувчиларни институт фаолияти, таълим йўналишлари, талабалар учун яратилган шарт-шароитлар билан таништириди. Институтга бириктирилган мактаб билан келажакда ўрнатилган ҳамкорлик юзасидан ўқувчилар учун маҳсус очик дарслар ташкил этиш, мактаб ўқитувчиларини дарсларни ташкил этиш борасида услубий ёрдамлар бериш ҳамда ўқувчиларни Институт билан таништириш мақсадида ташрифлар ташкил этиш борасида келишиб олинди.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати